

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ



Бугун туман аҳолисининг, айниқса болажонларнинг қувончи чексиз.

1-июн-Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ҳар йили оналар фарзандларини вилоят марказига айлантиришга олиб борар эди. Энди бунга ҳожат йўқ. Чунки, бугун туман ҳокими ва Баҳодир Қодировнинг ташаббуси билан туман марказида “Барака савдо” МЧЖнинг 3- қаватида болалар ўйингоҳи барпо этилди.

“Барака савдо” МЧЖнинг 3- қаватида болалар ўйингоҳининг очилиш маросимида туман ҳокими Р.Гаппаров сўзга чиқиб, болажонларни бугунги байрам билан муборакбод этди.

Шундан сўнг шўх куй-қушиқларга болажонлар мазза қилиб рақсга тушдилар.

Болалар ўйингоҳининг ташкил этилиши болажонларга ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Байрам тадбири кечгача давом этади.